



TO`SHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарам ватандошлар!
Аввало, Сиз, азизларни бугунги кутлуғ айём – Ўзбек тили байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Инсон учун киндик қони томган Ватани, дунёга келтириб воёга етказган ота-онаси қанчалик азиз ва муқаррам бўлса, унинг ўзлиги ва маънавий олами билан белгилайдиган она тили ҳам шунчалик қадри ва мўътабардир.

Қадим туркий тилимизни илк бор илмий асосда тадқиқ этган буюк аллома Махмуд Қошғарийнинг: “**Эрдам боши тилдур**”, яъни “Барча эзгуликлар тилдан бошланур”, деган сўзларида теран ҳақиқат мужассам. Дарҳақиқат, одамзот қалбидаги жамики олижаноб фазилатлар она тилининг бетакор мўъжизаси, сеҳри ва жозибаси билан камолга етади.

Халқимиз тафаккурининг тиниқ кўзгуси бўлган бу бебаҳо хазинани асраб-авайлаш ва ривожлантириш бугунги кундаги энг шарофли вазибаларимиздан биридир.

Улуғ мутафаккир Мир Алишер Навоий бобомизнинг: “**Тилга эътибор – элга эътибор**”, деган доно ўғитларига амал қилган ҳолда, юртимизда тил масаласида олиб борилаётган давлат сиёсати инсон қадрини улуғлашга қаратилган туб ислохотларимизга ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир.

Сўнги йилларда мамлакатимизда ўзбек тилини ривожлантириш, унинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини ошириш борасида янги босқич бошланди, десак, ани ҳақиқат бўлади.

Хусусан, 21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни деб белгилангани унутилмас, тарихий воқеага айланди. Давлат тилининг нуфузи ва мақоми юксалтиришга қаратилган фармон ва қарорлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу йўналишда 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепция ва алоҳида дастур ҳаётга жорий этилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, яқинда қабул қилинган тегишли қонунларга асосан реклама ва тарғибот материалларини давлат тилида эълон қилиш тартиблари ҳамда давлат фуқаролик хизматида қабул қилишда ўзбек тилини билиш даражаси бўйича аниқ талаблар белгилангани таъкидлаш лозим.

Вазирлар Маҳкамаси тарихида Маънавият ва

давлат тилини ривожлантириш масалалари департаментининг фаолияти йўлга қўйилди. Марказда ва жойларда давлат тилини ўргатиш курслари иш олиб бормоқда.

Қисқа вақт ичида беш жыллик “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, ўндан ортиқ соҳага оид атамалар луғатлари, ўттиз жыллик “Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги” тадқиқотлар мажмуаси яратилди.

Шу кунларда она тилимизда “Туркий адабиёт дурдоналари” номли юз жыллик муҳташам тўплам нашрдан чиқаётгани, фаол ва истеъдодли ёшларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Интернет тармоғидаги ўзбекча маълумотлар электрон базаси бойитиб борилаётгани қувонарли ҳол, албатта.

Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётининг сара намуналари хорижий тилларга таржима қилиниб, чет эллик китобхонларнинг ҳам эътиборини қозонмоқда. Истеъдодли олим ва ижодкорларимиз халамга мансуб илмий ва бадиий асарлар нуфузли қалқаро мукофотларга сазовор бўлмоқда.

Хорижий давлатлар ўқувчилари ўртасида Ўзбек тили ва адабиёти халқро олимпиадасини ўтказиш йўлга қўйилгани ҳам она тилимизни кенг тарғиб қилишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида 50 миллионга яқин киши ўзбек тилида сўзлашмоқда. Кўплаб мамлакатларда бу гўзал ва жозибали тил катта иштиёқ билан ўрганилмоқда.

Айни пайтда, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатларнинг тили, маданияти ва қадриятларини асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратилаётган. Биз бу йўналишда олиб бораётган ишларимизни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз.

Хурматли дўстлар!
Ҳаммамизга аёнки, кўп миллатли халқимизни юксак маърифатли жамият барпо этишдек эзгу мақсад йўлида жипслаштириш, юртодошларимиз қалбига ягона Ватан, умумий фаровон келажак туйғусини синдиришда ўзбек тили бирлаштирувчи аҳамиятга эгадир.

Шу боис, Янги Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққий эттириш, Учинчи юксалиш даври пойдеворини яратишга қаратилган тарихий ислохотлар жараёнида ўзбек тилини ривожлантириш бўйича белгилаб олган

вазифаларимизни изчил давом эттиришимиз лозим.

Бугунги кунда ёшларимизнинг дунёқарши, одо-ахлоқи ва нутқ маданиятига салбий таъсир кўрсатаётган иллатлар, айниқса, турли электрон воситалар орқали тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдидларга қарши маърифат ва илм билан самарали кураш олиб бориш ҳаётий заруратга айланган.

Бу борада ахборот-коммуникация технологияларининг тилини ўзбекчалаштириш, бутунжаҳон Интернет тармоғидаги миллий сегментни янада бойитиш, ўзбек ва хорижий тиллар бўйича луғат ва сўзлашгичларнинг янги авлодини яратиш кечиктириб бўлмас вазифаларимиз сирасига киради.

Жаҳон тараққиёти ютуқлари ва қимматли манбаларни ўзбек тилига таржима қилиш орқали она тилимизни илм-фан ва инновациялар тили сифатида ривожлантириш учун мустақкам замин яратишимиз зарур.

Шу маънода, ХХ аср бошида яшаб ижод қилган, ўзбек, араб, форс, ҳинд, турк ва рус тилларидаги сўзларни ўз ичига олган бебаҳо луғат китобини яратган маърифатпарвар бобомиз Исҳоқхон Ибратнинг: “**Бизнинг ёшлар албатта бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўғиб қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат – бу Ватаний ишдир**”, деган ҳикматли сўзлари биз учун муҳим дастуриламал, ҳаёт йўлимизни ёритадиган маёқ бўлиб хизмат қилиши керак.

Фурсатдан фойдаланиб, миллий ўзлимиз ва гуруримиз тимсоли бўлган она тилимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришдек шарофли ишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча фидойи ватандошларимизга чин қалбдан мионатдорлик билдираман.

Азиз юртодошлар!
Сизларни яна бир бор Ўзбек тили байрами билан самимий кутлаб, барчангизга мустақкам саломатлик, оилангизга қут-баракат, тинчлик ва омонлик тилайман. Она тилимизнинг сўнмас зиёси онгу тафаккуримиз, қалбларимизни ҳамиша ёритиб турсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тил – миллат бойлиги, миллат қиёфаси. Ҳеч қайси инсон она тилини танламайди. У инсон билан бирга туғилади.

Афсуски, узоқ йиллар она тилимизга эътибор сусайган эди, унинг қадри, обрўси ҳақида чуқур ўйлаб кўрилмади. Ўзга тилда гаплашдик, бошқа тилда иш юритдик, болаларимизни ўз она тилимиздан узоқлаштирдик. Ўз тилимиздаги сўзларни билмаслигимиздан хавотирланмадик, ўзганинг тилида сўзлашишдан фахрландик. Ўз тилимизни билиш уят, бошқа тилни билишимиз маданият белгиси ҳисобланди. Тилимизнинг бошқа тиллар соясида қолиб кетгани ачиқ ҳақиқат...

ТАФАККУРНИНГ ОЙДИН ЖАМОЛИ



Мамлакатимизда “Давлат тили тўғрисида”ги қонун мустақилликка эришмасимиздан аввал қабул қилинди. Бу, албатта, катта жасорат эди. Она тилимизни ҳаётимизда тўлақонли жорий этиш, унинг мавқеи ва нуфузини ошириш чоралари кўрилди. Бироқ қонун ўз даврида тўлақонли бажарилди, деб айтолмаймиз. Давлат тилини ҳаётимизнинг барча соҳаларига татбиқ этишда муаммолар ва камчиликлар бор эди.

Яқин йиллардан бошлаб бу масалада янги ислохотлар кун тартибига қўйилди. Давлат тили қоидаларига тўлақонли амал қилмаслик, давлат тилида иш юритмаслик барча соҳада мавжуд камчилик бўлса, кўчаларда, ташкилот ва иншоотлар пештоқидаги ёзувларнинг бошқа тилда, имловий хатоларда ёзилиши, телевидениеда, кино ва турли оммавий кўрсатувларда шеваларда гапирилиши, энг муҳими, ёшларнинг ўз она тилини билмаслиги каби жиддий муаммолар борган сари жамиятимизда илдиш ота бошлади.

Миллатимиз маданияти, азалий қадриятларимиз, она тилимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш ҳар доимдан кўра жиддий масала бўлиб юзага чиқа бошлаган бир пайтда давлат тили бо-

расида муҳим ислохотлар сари дадил қадам ташланди. 2019 йил 21 октябрь куни “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони қабул қилинди. 2020 йил 20 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Давлат тилини ривожлантириш департаменти, кейинчалик унинг хузурида Атамалар комиссияси фаолияти ташкил этилди.

2020 йил 10 апрель куни эса яна бир муҳим тарихий ҳужжат – “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни имзоланди. Шунингдек, 2021 йил 10 февралда Вазирлар Маҳкамасининг “Лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан 2023 йилнинг 1 январидан барча ёзувлар лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтиши белгиланди.

(Давоми 2-саҳифада) ▶

ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

Ўзбек тили байрами муносабати билан **ТО`SHKENT вилоятидаги** 800 дан ортиқ таълим масканларида байрам тадбирлари бўлиб ўтди. Уларда олимлар, таниқли ёзувчи ва шоирлар, журналистлар иштирок этди.

ОЛМАЛИҚ шаҳрида жойлашган 80-сонли қар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернат ҳудудида вилоят прокурори Шавкатжон Раҳимов бошчилигида 200 туп павловния, каштан ва бошқа турдаги манзарали дарахт кўчатлари экилди.

ЯНГИЙЎЛ туманининг «Ҳақиқат» маҳалласи ҳудудида «Ғани ота ва ўғли» МЧЖ томонидан турли хилдаги туз маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида 30 та янги иш ўрни яратилади.

ОҚҚЎРҒОН туманида “Яшил макон” лойиҳасининг “Долзарб 40 кунлик” тадбирлари доирасида 446 минг 450 туп манзарали ва мевали кўчатлар ўтказиш режалаштирилган. Дастлабки кунлик туман ирригация бўлими ходимлари томонидан 350 туп тут ва ток кўчатлари экилди.

ЧИНОЗ туманининг “Дўстлик” маҳалласи ҳудудида “Marakanda petroleum” МЧЖда умумий қиймати 5 млрд. сўмлик «Автомобиль мотори ва индустриал мойлари» ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилди. Корхонага 25 нафар ходим ишга қабул қилинди.

Шуқуҳ



Тадбир иштирокчилари буюк бобокалонимиз поғида гулчамбарлар қўйиб, адабий тилимиз асосисига хурмат баҳо келтиришди.

БАРЧА ЭЗГУЛИКЛАР ТИЛДАН БОШЛАНАДИ



Маросимда сўзга чиққанлар тилимизни эъзозлаш, унинг давлат тили сифатидаги мақоми, жамиятдаги мавқеини юксалтириш, ёш авлодни она тилига хурмат руҳида тарбиялаш ҳамда долзарб бўлиб қолишни алоҳида таъкидлашди.

Республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам Ўзбек тили байрами куни катта тантаналар билан нишонланди. Сана муносабати билан ташкил этилган асосий байрам маросими Юқори Чирчиқ тумани марказидаги Ҳазрати Алишер Навоий ҳайкали қад ростлаган муаззам майдонда бўлиб ўтди. Бу ерда вилоят жамоатчилиги, адабиёт, фан ва санъат намояндalari, тилшунос олимлар ҳамда талаба-ёшлар жамула ҳам бўлишди.

ФРАНЦИЯ ТАЖРИБАСИ ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

Мамлакатимиздаги молия-иқтисод, қурилиш ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, энергетика соҳаларига дахлдор вазирликлар, Марказий банк вакиллари ҳамда бир қатор вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарларидан иборат ишчи гуруҳ хизмат сафари билан Франция давлатида бўлди. Улар орасида Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Музаффар Файзиев ҳам бор.

Ҳамкорлик

Ташрифдан мақсад ҳудудлар мастер режаларини ишлаб чиқиш ва “яшил” иқтисодиётга ўтиш бўйича Франция тажрибасини ўрганиш ҳамда мазкур мамлакатдаги вазирлик ва идоралар, ташкилот ва компаниялар вакиллари билан учрашиш, улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларини муҳокама қилишдан иборатдир. Paris Habitat агентлигида ташкил этилган учрашувда аҳолининг қуйи қатлами учун ижтимоий

уylар қуриш, эҳтиёжманд қатламни танлаш мезонлари, девелопер компанияларга қўйиладиган талаблар, ижтимоий уйлари бошқариш, бу борада давлат томонидан берилган преференция ва имтиёزلардан самарали фойдаланиш каби масалалар муҳокама этилди. Агентлик асосан Париж шаҳри ҳудудида арзон уй-жойлар қуриш, бошқариш ва аҳолининг алоҳида қатлами уй-жой билан таъмин-



лаш масалаларида фаолият юритади. Paris Region институтида ташкил этилган учрашувда ҳудудларнинг шаҳарсозлик ҳужжатларини, жумладан, мастер режаларни ишлаб чиқиш истиқболлари кўриб чиқилди. Қайд этиш жоизки, мазкур институт шаҳарларни режалаштириш, мастер режаларни ишлаб чиқиш бўйича Франциянинг йирик агентлиги ҳисобланиб, у Европада биринчи, дунёда эса иккинчи ўринда туради. Ташриф давомида 2024 йилда Олимпиада уйинларини ўтказиш учун барпо этилаётган “Olympic village” лойиҳаси ва унинг қурилиши билан ҳам танишилди. Танишув жараёнида қурилишда энергия тежовчи техноло-

гияларни қўллаш, архитектура ечимларини танлаш, арзон ва экологик тоза материаллардан фойдаланишнинг афзалликлари бўйича хориж тажрибаси ўрганилди. **Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати**



БАРЧА ЭЗГУЛИКЛАР ТИЛДАН БОШЛАНАДИ

Вилоятимизнинг янги қиёфасини шакллантиришда кўча ва хиёбонлар, маиший иншоотлар, савдо нуқталари пешлавлаларида давлат тили қоидаларига риоя қилинишига катта аҳамият берилмаётган. Байрам арафасида вилоятнинг марказий кўчаларида, аҳоли гажум масканлар, шаҳар ва туман марказларида ўзбек тилини улуғловчи ҳикматли сўзлар, кўргазмали хэштег, фото-тарғибот материаллари, баннерлар жойлаштирилди.

Байрамнинг маърифий қисми тумандаги "Миллатлар дўстлиги" маданият саройида давом этди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Дастур аввалида вилоят ҳокимининг ўринбосари Отабек Султонбеков сўзга чиқиб йиғилганларни табриқлар экан, сўнгги йилларда мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан оширишга катта эътибор қаратилиб, бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилганлиги ҳақида тўхталди. Шунингдек, ҳар

бир халқнинг ўзлигини намоён қилишида тил муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Маросимда бир гуруҳ тилимиз жонкуярлари, хусусан, манавият, адабиёт, маданий-маърифий соҳалар вакиллари вилоят ҳокимининг ташаққурномаси ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

– "Давлат тилида иш юритиш бўйича ташаббускор ҳоким маслаҳатчиси" йўналишида тақдирландим, – дейди Оҳангарон Шаҳар ҳокимининг маслаҳатчиси Нилуфар Мирзаева. – Маълумки, давлат тили сиёсий, ижтимо-

ий ва маданий соҳаларда халқни бирлаштирувчи қудратли восита саналади. Ўзбек тили сўзлашувчилар сони кўпчилигига кўра, сайёрамизда энг кенг тарқалган 40 та тилдан бири экани билан фахрланаман. Она тилимиз миллатимиз руҳи, борлигимиз ва бирлигимиз, давлатимиз тимсоли эканини эътиборга олган ҳолда, уни асраш ва ривожлантириш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича амалга оширилаётган илоҳотларга озгина бўлсада ҳисса қўшаётганимдан хурсандман.

Тадбирнинг бадиий-муסיқий

Кун тартиби

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессияси



Нурафшон шаҳрида Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги 62-сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни Кенгаш раиси, Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бошқарди.

Кун тартибига кўра, дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири А. Холмаҳматовнинг ҳисоботи тингланди.

Қайд этилганидек, 9 ойлик таҳлилларга кўра, вилоят фуқароларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатлар сони 2021 йилнинг 9 ойига нисбатан 105 минг 660 тадан 104 минг 685 тага камайган.

Мурожаатларнинг 81 минг 553 таси (80,1 фоизи) қаноатлантирилган, шундан 41 минг 333 таси (40,6 фоизи) ижобий ҳал этилган.

Мурожаатлар сони вилоятнинг 9 та ҳудудига, яъни, Оққўрғон, Оҳангарон, Бекобод, Бўстонлик, Бўка, Паркент, Чиноз, Янгийул, Тошкент туманларида кескин ошган.

Шундан сўнг Тошкент вилояти ҳокимлиги Мурожаатлар билан ишлаш бўлими бошлиғи К. Эрмухаммедованинг сайёр қабулларда фуқаролар томонидан билдирилган мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги ҳис-

соботи тингланди.

Ҳисоботга кўра, 14 сентябрь кун Оққўрғон туманида ўтказилган сайёр қабулда 190 нафар фуқаро томонидан йўлланган 228 та мурожаатнинг 220 таси кўриб чиқилган бўлиб, уларнинг 52 таси ижобий ҳал этилган. 81 таси бўйича ҳуқуқий маслаҳат, 81 тасига тушунтириш берилган, 3 таси рад этилган, 1 таси кўрмасдан қолдирилган ва 2 таси узоқ муддатли назоратга олинган.

Ҳозирги кунгача 8 та масаланинг қонунда белгиланган 30 кунлик муддати бузилган бўлиб, ушбу ишга масъул бўлган мутасаддиларга тегишли чора кўрилмаган.

Сессияда Зойир Мирзаев фуқаролар мурожаатларини жойига чиқиб ўрганишда депутатларнинг фаоллигини ошириш лозимлигини таъкидлади.

Сессия кун тартибига мувофиқ, маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилган айрим тадбирлари молиялаштириш чора-тадбирлари бўйича ахборот берилди.

Шунингдек, Тошкент вилояти "Zero Waste" масъулияти чекланган жамиятининг қаттиқ ва суяқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун янги тарифларни белгилаш масалалари муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Матонат

Ўрта Чирчиқ туманидаги Усмон ота номли маҳаллада яшовчи Сардор Деҳқонбоев моҳир чевар. Ҳа, ҳайрон бўлманг. У эркалар учун костюм-шим, куртка, кўйлақлар тикади. Ёшлигида бахтсиз ҳодиса сабабли икки оёғидан айрилган Сардор ака "Мен ногиронман, ҳамма менга ғамхўрлик қилиши керак", деб идорама-идора юрмасдан ҳалол меҳнати ортдан даромад топиб, айрим тўрт мучаси соғ бўлатуриб, ишдан қочадиган дангасаларга урناк бўляпти.



СИНОВЛАРДА СИНМАГАН САРДОР

– Ота ҳовлимиз шундоққина поезд йўлига туташ жойлашган эди, – дея эслади С. Деҳқонбоев. – 9 ёшда эдим. Қўй боқиб юриб, поезд йўлида йиқилиб тушдим. Улгурмадим. Оёқларим катта тезликда келаятган поезд гилдираклари орасида қолиб кетди... Бу мусибатни отаонам, қариндош-уруғларим мен билан тенг ҳис қилишганини яхши эслайман. Шу воқеага бир йил бўлганда отам оламдан ўтдилар. Онам беш нафар фарзанд билан ёлғиз қолдилар. Бахтимизга бобом ва бувим бор эдилар. Улар бизга бош-қош бўлишди. Айниқса, менга ҳамма ёрдам қиларди. Дарслардан қолиб кетмаслигим учун синф раҳбарим Мамлакат опа, ўқитувчиларим Робия опа, Рўзмет ака, Фозил ака ва Файзулла акалар уйимизга келиб, сабоқ беришар, хархашаларимни кўтаришарди.

Олиб ташлашга тўғри келди. Бир оёқда "ҳаққалаб" ўқишга қатнадим. Эсимда, қийналиб кетганимдан бир неча марта ўқишни ташлаб кетмоқчи бўлганман. Яна бобом бошимни силаб: "Сабрда ҳикмат кўп, бардошли бўл, болам", дея таскин берардилар. Шунга ҳам 30 йил бўлибди. Баъзида соғлом бўлганимда тоғни талқон қилиб юборардим, деган ҳаёлларга ҳам борардим. Энди билсам, шўқр қилишда ҳам ҳикмат кўп экан. Нигорахон янгангизга уйланаётганимда кўнглимдан нималар кечгани ёлғиз ўзимга аён. Кўп иккиландим. Аммо бахтимга аёлим оқила, доно, саранжом-саризталиги билан ҳаётимга мазмун киритди. Уч нафар фарзандимиз, икки нафар набирамиз бор. Аллоҳга шўқр, бобом айтган кўнлар келди, уларнинг дуолари ижобат бўлмоқда.

Дарҳақиқат, Сардор аканинг оёқлари бўлмасида кўллари билан ҳалол меҳнат қилиб, оиласини таъминлаб келмоқда. Шу ҳунари ортдан элга танилди. Маҳалладошлари уни ҳурмат билан: "Уста ака", деб чакдиради. Аслида ҳам шундай. У тикаётган турли бичимдаги кийимларга қўшни туманлардан ҳам харидорлар буюртма беришади.

Ҳаёт синовларида "синмаган" Сардор Деҳқонбоев Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги арафасида Президентимизнинг фармонида биноам "Жасорат" медали билан тақдирланди.

Нигора УРОЛОВА /Тошкент ҳақиқати/



ТАФАККУРНИНГ ОЙДИН ЖАМОЛИ

Ўтган яқин йиллар мобайнида давлат тилини ривожлантириш, ўзбек тилининг мавқеини оширишга қаратилган 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришишга, давлат тилида иш юритишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

қисмига вилоят мақом ансамбли ўз чиқишлари билан янада файз киритди. Айниқса, Ўзбек миллий академик драма театри актери Толиб Мўминов ижросидаги Алишер Навоий монолоғи йиғилганларнинг олқишига сазовор бўлди. Тилимизнинг бор жозибаси, латофати ва таъсир кучи ҳамда чексиз имкониятлари соҳир овоз соҳиблари ижросидаги кўшиқларда ҳам акс этди.

Нозима РАСУЛОВА /Тошкент ҳақиқати/ Аброр ЭСОНОВ олган суратлар

Жумладан, суд-ҳуқуқ тизими ҳам бундан мустасно эмас. Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддасида "Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қоралқопқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади. Суд ишлари юритиладиган тилни билмайдиган ишда иштирок этувчи шахсларга таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш, суд ҳаракатларида иштирок этиш ҳуқуқи ва судда она тилида ёки улар билмайдиган бошқа тилда сўзлаш ҳуқуқи таъминланади", деб белгиланган.

Шу нўқтаи назардан, хусусан, суд жараёналари, аввало, давлат тилида, агар бошқа миллат вакили бўлса, таржимондан фойдаланган ҳолда олиб борилади.

Шунингдек, судьялар чиқараётган ҳукм ва қарорларида фикрни тўлақонли, мазмунли, мантқиқли ифодалаш учун ўз она тилини мукамал билиши жуда муҳим.

"Тил – тафаккур жамоли", деган эди Абдурауф Фитрат. Тафаккуримиз юксалиб, фикрлаш тарзимиз ошиб боргани сайин тилимизнинг олмос қирралари ўзини намоён этаверади.

Шоира ЭРМЕТОВА, Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро суди судьяси

ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР ОШЎНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 апрелдаги "Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Чиноз туманида 480 уринга мўлжалланган ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилди.



Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигидаги ишчи гуруҳ мактабдаги яқуний ишларни бориб кўрди.

Тез кўнларда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган замонавий таълим даргоҳида ўқувчилар учун барча шароитлар яратилмоқда.

Бугунги кунда объектдаги демонтаж ишлари 100, пардозлаш ишлари 90, электр ишлари 95 фоизга бажарилган.

Мазкур мактабга жами 27 нафар юқори малакали ўқитувчилар танлов асосида қабул қилинган. Педагог ходимларнинг 4 нафари олий тоифа, 8 нафари 1-тоифа, 9 нафари 2-тоифага эга.

Вилоят ҳокими масъуллар билан суҳбатда иш жараёнини тўғри ташкил этиш, ўқувчиларнинг илғор хорижий олий

ўқув юртлари ва уларнинг республикамиздаги филиалларида ўқишни давом эттиришларини ташкил этишни ҳозирдан режа қилиш, шунингдек, ўқувчилар сифатли таълим олишлари учун барча зарур шароитларни яратиш борасида муҳим тавсиялар берди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати

Хабарингиз борми?

УЙ-ЖОЙ СОТИБ ОЛИШ УЧУН СУБСИДИЯ АЖРАТИШ ТИЗИМИ ЎЗГАРДИ

«Аҳолига ипотека кредити ва уй-жой сотиб олиш учун субсидия ажратиш жараёнини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

Қарор билан 2022 йил 1 декабрдан бошлаб қуйидагилар белгиланди:

Субсидияга талабгорларни танлаб олиш комиссиялари таркибидан Ёшлар ишлари агентлиги бўлим бошлиғи ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директорлари чиқарилади.

Бундан мазкур ташкилотларнинг маълумотлари subsidiya.idm.uz дастурий таъминоти орқали автоматик тарзда шакллантирилади.

Субсидия ажратиш мақсадида уй-жойга муҳтож фуқароларни аниқлашнинг ижтимоий меъсонлари доирасида қуйидагилар ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган айрим шахслар тоифасига киритилади:

Ёш оилалар, шу жумладан,

30 ёшдан ошмаган фуқаролар, олис ва чекка ҳудудлардаги бюджет ташкилотларига бошқа ҳудудлардан ишлаш учун келган олий маълумотли мутахассислар ва тиббиёт ходимлари.

2022 йил 1 ноябрга қадар "Labor – migration" дастури ва Кадастр агентлигининг Миллий географик ахборот тизими портали subsidiya.idm.uz дастурий таъминотида интеграция қилинади.

Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредити ажратишда қарз олувчиларга қарз юқининг энг юқори чегараси ҳамда субсидия олиш учун бир календарь йилда икки марта

ариза бериш бўйича белгиланган чекловлар бекор қилинди.

2022 йил 1 ноябрга қадар 2020-2022 йиллар дастури доирасида субсидия ажратиш тўғрисида хабарнома олган фуқароларга ипотека кредити фоизларининг бир қисmini қоплаш бўйича тўланмай қолган субсидияларни тўлиқ тўлаш чоралари кўрилади.

2021 йил дастури доирасида субсидия ажратиш тўғрисида хабарнома олган Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турадиган фуқароларга Тошкент вилоятида қўрилган уй-жойларни ипотека кредити асосида сотиб олиш ҳуқуқи берилади.

ЎЗА

Сўраган эдингиз

Жамғариб бориладиган пенсияни мерос қилиб қолдириш мумкинми?

Маълумки, мерос фуқароларнинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган, деб эълон қилиниши оқибатида очилади. Мерос очилган вақтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос мулкни ташкил қилади.

Хўш, жамғарилган пенсияни ҳам мерос қолдириш мумкинми? Бу борадаги саволларга Тошкент давлат юридик университети Юридик клиникаси ходими Муҳриддин Шамсиддинов жавоб берди.

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасига кўра, жамғариб бориладиган ихтиёрли пенсия бадаллари — шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ихтиёрлилик асосида киритиладиган пул маблағлари, жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари — шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига мажбурий тартибда киритиладиган пул маблағлари ҳисобланади.

Ушбу қонуннинг 4-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга. Демак, фуқаролар пенсия ҳисобварағига мажбурий ва ихтиёрли маблағлар жамғариб борилади. Яъни тартибдаги тadbиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжалиқларининг аъзолари, шунингдек, бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрлилик асосида иштирок этадилар.

Демак, бу шахсий захирадек дейиш мумкин. «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасига кўра, фуқаро вафот этган тақдирда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғариб бориладиган маблағлар қонунчиликда белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга



бирўла тўла ҳажмда тўланади. Фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғариб бориладиган маблағлар бирўла тўла ҳажмда тўланади.

Қонуннинг 24-моддасига кўра, Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тўлаш қўйидаги ҳолларда тугатилади. Жумладан, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғариб бориладиган маблағлар батамом тугаганда, бундай тўловларни олувчи шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғариб бориладиган маблағларнинг умумий сўмамини меросга ўтказиш мақсадида тўловларни олишдан ёзма равишда нотариал тасдиқланган тартибда воз кечганда ҳамда давлат пенсиясини олиш ҳуқуқини йўқотганда. Демак, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини мерос қилиб ўтказиш мумкин ва сўнгра жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тўлаш тугатилади.

ЎЗА

Ҳар куни бирор юмуш билан кўчага чиқамиз ва йўл-йўлакай кўзимиз турли шакл-шамойилдаги, тартибли-тартибсиз ташқи ёзув, реклама, дўконларнинг пешлавҳасига тушади. Ҳозирда ўзини реклама қилмаган корхона ёки ташкилот йўқ ҳисоби. Айниқса, телеграм ва инстаграм каби тармоқлар орқали рекламалар жуда омалашди. Лекин, тарқатилётган рекламаларнинг барчаси талабга жавоб берадими? Ҳама гап ана шунда.

Қонун ва ижро



Масалан, дўконлар пештоқига илинган баннернинг йирида «Свежее, живое, холодное пиво с собой, рыбка», бошқасида «Сигареты, холодные напитки, пиво»

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аслида реклама тўғрисидаги қонуннинг янги тахрири июль ойида маълум бўлиб, то у кучга киргунча жойларда

Янги қонун янгийўлга ҳам дахлдорми?

реклама уни берувчининг хоҳишига кўра, исталган тилда берилиши мумкин эди. Янги тахрирдаги қонуннинг «Реклама тили» ҳақидаги 6-моддасида эса Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига тарқатилиши, реклама мазмунининг таржимаси бошқа тилларда такрор берилиши мумкинлиги, бунда асосий маъноси бузиб кўрсатилмаслиги, бошқа тилларда таржимаси матни харфининг ўлчамидан кичик бўлиши кераклиги ва бошқа бир қатор меъёрлар белгиланди.

Хўш, янги қонун кучга киргандан буён ўтган вақт мобайнида нималар ўзгарди? Биз Янгийўл шахрига хизмат сафарига борганимизда кўчалардаги баъзи бир реклама баннерларини камерага муҳралидик. Шаҳарни айланарганимиз, янги нормалардан ҳали айрим тadbиркор ва ишбилармонлар хабардор эмаслиги ёки ҳамон бепарволикка берилаётганининг гувоҳи бўлдик. Афсуски, кўплаб реклама баннерларидаги ёзувлар ҳамон хоржиқ тилида қандай ёзилган бўлса шундайлигича турибди.

ные закуски в ассортименте», сал наридагисида «Вино-водка в широком ассортименте» ёзувларини кўрасиз.

«М-34» йўналиши бўйлаб пойтахт сари кетаверишдаги «Саломатлик йўлакчаси»га қўйилган баннерда ҳам реклама икки тилда аралаш берилган. Яъни, «Мясое. Мясое в рыночном цене». Телефон рақами ва тагида кичик ёзувда отнинг расми устига ўзбек тилида «Қимиз» деб ёзиб қўйилган.

Машиий ускуналарни таъмирлаш ҳақидаги эълонларни айтмаймизми?! Рус тилидаги сўз лотин харфлари билан «Remont» деб битилгани билан у ўзбекчалашиб қолмайди-ку. Ёки «таъмирлаш», деб битилса одамлар тушунмайди? Бунинг устига реклама баннери даракта қоқиб қўйилган. Рекламани жойлаштиришнинг ҳам ўз қоидалари бор, ахир.

Яна шундай ёзувлар бор-ки, улардаги имло хатолар одамнинг гашини келтирибгина қолмай, ёшларнинг саводхонлигига ҳам салбий таъсир кўрсатиши аниқ.

тушунтириш ишлари олиб борилди. Лекин шунга қарамай, ҳали муаммолар тўлиқ бартараф этилмаган кўринади. Бунда тadbиркорлар айбдорми ёки шу масалага жавобгар масъуллар?

Шу ўринда мақсадимиз кимнидир айбаш эмас, аксинча она тилимиз ва қонунларимизни ҳурмат қилиш эканини таъкидлашни истардик. Зеро, бундан буён ҳар бир реклама қандай йўналишда бўлишидан қатъи назар «Реклама тўғрисида»ги Қонун талабларига жавоб бериши шарт.

«Тошкент ҳақиқати» муҳбирлари бу каби вазиятларни камера объективига муҳрлашда давом этади. Огоҳ бўлинг, кейинги манзил сизнинг туман ёки шаҳрингиз бўлиши мумкин.

Нозима РАСУЛОВА
Тошкент ҳақиқати/
Аброр ЭСОНОВ
олган суратлар

Жиддий маслаҳат

Банкоматлардан фойдаланганингизда сиздан «Чек чиқариб берайми ёки йўқми?», деб сўрайди. Агар сизга чек зарур бўлмаса, унда «Йўқ» деган жавобни танланг. Шунда ҳам қозони иқтисод қиласиз, ҳам атроф-муҳитни ифлос қилмайсиз.

Агар чек ростдан керак бўлса, унда «Ҳа» дегн, аммо чиққан чекни мана бунақа қилиб ташлаб кетмасдан, ўзингиз билан олиб кетинг.

Кўпчилик тушунмасдан чек чиқартиради ва бир марта ҳам қараб қўймасдан, дуч келган ерга ташлаб кетаверади.

Илтимос, одам бўлиб келдик, одам бўлайлик. Яъни, фаросатни ишлатган ҳолда атрофимизни озода сақлайлик.



Xushnodbek.uz

Огоҳ бўлинг!



Пластик тўлов карталари ва электрон тўлов тизимларининг жорий этилиши фойдаланувчилар учун янги қулайликларни яратиб беришига янги фирибгарлик схемаларининг тарқалишини кучайтирди, дея ёзмақда ЎЗА.

Хакерлар тактикасини ўзгартирди

Сўнги ўн йилликда кибержиноятчилар усулларини ўзгартирди. Хакерларни энди ишончсиз сайтлар қизқитирмайди. Улар тўлов тизимлари, ижтимоий тармоқлар ва электрон дўконларни афзал кўрмоқда. Хакерлик оддий жинорий бизнесга айланиб улгурди, унинг аъзолари кўпроқ пул ишлаб топиш илнжиди.

Аксариат ҳужумлар тазовузорларнинг электрон почта хабарлари билан бошланади, аммо уларнинг арсеналида зарарли дастурий таъминотни етказиб беришнинг кўплаб усуллари борлигини ҳам унутмаслик керак. «Касперский лабораторияси» халқаро компаниясининг маълумотларига кўра, Advanced IP Spyware номини олган зарарли дастур яратувчилари Advanced IP Scanner воситаси тизим маъмурлари учун ўз кодларини киритишга қарор қилди. Улар қонуний домен номларидан битта ҳарфга фарқланадиган иккита сайт яратди ва уларнинг дизайнини расмий дастурий таъминот саҳифасидан кўчириб олди. Улар жарланувчи маҳаллий тармоқларни назорат қиладиган воситани излаётганда қайси сайт ҳақиқий эканлигининг фарқига бормай, иловали дастурни

кўчириб олади, деган умидда ҳаракат қилади.

Onion Poison ҳужум операторлари бундан ҳам ижодийроқ бўлган ёндашувни намойиш қилди. Улар даркнетга кириш учун мўлжалланган зарарли Тог браузерни вариантини яратди. Ўзларининг сохта браузерларини видео остидаги ҳавола орқали You Tube видеохостинг тармоғидаги анонимлик ҳақидаги машҳур каналга ўрнатиш бўйича кўрсатмалар билан тарқатишга қарор қилди.

Шунингдек, ностандарт вируслар ҳам ўзини кўрсатди. Масалан, Black Basta шифрловчи янги талқинлари бир нечта Microsoft технологияларидан фойдаланган ҳолда маҳаллий тармоқ орқали тарқалиш имконига эга бўлди. Битта компьютерни зарарлагандан сўнг, вирус маҳаллий тармоқдаги компьютерлар рўйхатини олиши, зарарли дастурни уларга нусхалаш ва масофадан туриб уни ишга тушириши мумкин. Бундай усул тизимда кам из қолдиради ва аниқлашни қийинлаштиради.

Шуни унутмаслик керакки, интернетга уланган ҳар қандай компьютер ёки смартфон бир нечта алоҳида ҳимоя дастурлари билан таъминланган бўлиши лозим. Универсал ҳимоя ҳали мавжуд эмас.

Тошкент вилояти ҳоқимлиги, вилоят кенг жамоатчилиги Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Фен Виталий Васильевичига турмуш ўртоғи

Людмила Сергеевна ФЕННИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Тинчликка куч билан эришиб бўлмайди

Альберт Эйнштейн буюк олим, бир қатор оламшумул физик қонуниятлар кашфиётчиси, бир нечта илмий асарлар муаллифи сифатида тарихда ўчмас из қолдирган. Унинг доно

фикрлари, ҳикматли сўзлари ҳам машҳур. Дунё кўрган донишманд олимнинг ҳаётий тажрибалари, тавсиялари сизу бизга ҳам фойда бериши шубҳасиз.


1. Барчамизда иқтидор бор. Лекин балиқни дарактаги тирмашиб чиқиш қобилияти бор-йўқлиги масаласида муҳокама қилсангиз, у ўзини бир умр лапашанг ҳис қилиб ўтади.
2. Мен ҳамма билан бир хил муомала қиламан. Хоҳ у фаррош бўлсин, хоҳ университет ректори.
3. Тасаввур билимдан кўра кўпроқ аҳамиятга эга. Билим биз ҳозир билладиган ва тушунадиган нарсаларгагина таянади. Тасаввур эса бутун оламни ва биз қачонлардир тушунадиган, билиб оладиган нарсаларни ҳам қамрайди.
4. Мантиқ сизга А нуктадан В нуктага бориб олишингиз учун ёрдам беради. Тасаввур эса бутун дунёни кезишингиз учун қанот бағишлайди.
5. Одам ёш бўлган пайтда ёлғизлик — азоб, лекин камолотга ета боргани сари унинг илҳомбахш кучи ортади.
6. Буюк ақллар ҳаммаша ўртача ақлларнинг шиддатли қаршилигига дуч келади. Чунки ўртача ақл эгалари эскича фикрлашдан йироқ, ўз салоҳиятидан мардона ва ҳалол фойдаланадиган кишиларни қабул қила олмайди.
7. Буюк шахслар гўзал нутқлар воситасида эмас, ўз меҳнатлари ва уларнинг натижалари орқали шаклланади.
8. Агар болаларингиз ақли бўлишини истасангиз, уларга эртақлар ўқиб беринг. Агар янада ақллироқ бўлишларини хоҳласангиз, унданда кўпроқ эртақ ўқиб беринг.
9. Билимни ўзлаштириш қобилиятимдан кўра, фантазия қобилиятим мен учун қадрлироқ.
10. Эришган барча ютуқларим алоҳида ақл соҳибни эканимдан эмас. Мен масалаларни ечишда узок вақт таслим бўлмайман.

11. Муваффақиятга эришиш учун эмас, ҳаётнинг маъно касб этиши учун интил. Одамнинг ҳаёти бошқалар ҳаётини қай даражада гўзал ва мазмунли қилганига қараб аҳамиятлидир.
12. Бизни эзгу ўй ва амалларга йўлловчи ягона восита — буюк ва маънавий покиза инсонлар тимсолидир. Одамга бирор нарсани ўргатишининг ягона оқилона йўли — мисол келтиришдир.
13. Шухратим ошгани сари сийқаланиб борялман. Афсуски, бу — жуда кенг тарқалган ҳолат.
14. Ҳеч қачон хато қилмаган одам бирор-бир янги нарсани ҳеч қачон синаб кўрмаган бўлади.
15. Агар мавзуну осон тушунтира олмасангиз, демак уни етарли даражада билмайсиз.

Эйнштейннинг ўттиз уч сабоғи

21. Мен ҳаммаша шундай фикрдаман: менинг ички ва ташқи ҳаётим оламдан ўтиб кетган ва ҳозир тирик бўлган бошқа одамларнинг фикрлари, ишларига асосланган. Мен улардан олган ва олаётган даражада ўзимдан маънавий мерос қолдиришим керак.
22. Билим бу — мактабда ўргатилган ҳамма нарсасининг чизиқ кетгандан кейин ўзингда қолган нарсалардир. Савол беришдан тўхтамаслик жуда муҳим. Қизиқувчанлик одамга беҳиз берилмаган. Чегараларини бир марта кенгайтирган идрок ҳеч қачон эски жойига қайтмайди.
23. Биз муаммони яратган фикрлаш

24. Агар бахтли ҳаётга эришмоқчи бўлсангиз, одамларга ёки нарсаларга эмас, мақсадларга боғланган бўлишингиз керак.
25. Ўзингни хурсанд қилишнинг энг яхши йўли — бошқа бировга қувонч бахш этишдир.
26. Баъзида бир савол мени ўйлантириб қўяди: мен аҳмоқманми ёки мендан бошқа ҳамма?
27. Тинчликка куч билан эришиб бўлмайди. Уни фақат мурося билангина қўлга киритиш мумкин.
28. Кичик ишларда ҳақиқатдан кўз юмадиган кишига муҳим ишларни топшириб бўлмайди.
29. Оммага эргашган одам ундан ўзиб



Ориф ТОЛИБ таржимаси



КЕЧ КУЗНИНГ ЭРТАКИ ҲОСИЛЛАРИ

Вилоятимизда ердан унумли фойдаланиб, оиласи фаровонлиги, бозорларимиз тўкинлигига муносиб ҳисса қўшаётган юртдошларимиз кўп. Қибрайлик дехқон Фарҳод Мансуров ана шулардан бири. У 10 сотих ерда иссиқхона ташкил этиб, 20 йилдан бери помидор етиштириш билан шуғулланади. Шу кунларда "Салар Носиров Мурод" фермер хўжалиги ҳудудидagi иссиқхонада етиштирилган сара помидорларга ранг кириб, пешма-пеш ички бозорларга етказилмоқда.

— Иссиқхонада энг муҳими — бу ҳарорат, намлик, ёруғлик ва атмосфера босими, — дейди Фарҳод ака. — Негадир кўпчиликда "парник" ни қанчалик паст курсам, иссиқроқ бўлади, деган тушунча бор. Бу нотўғри. Тепа қисмдаги плёнка музлаганида совуқни пастга ўтказиб юбориши

мумкин. Шунингдек, баланд қурилган иссиқхона ёруғ бўлади.

Ишни тўғри ташкил этишга эришган Ф. Мансуров иссиқхонадан йилга икки марта 5-6 тонна маҳсулот йиғиштириб олмақда.

Нозима РАСУЛОВА
Тошкент ҳақиқати/
Аброр ЭСОНОВ
олган сурат

СПОРТ янгиликлари

АГМК — "Бунёдкор" 1:0

Футбол бўйича Ўзбекистон Суперлигасининг 22-тур учрашувлари якунига етди. Тур доирасида Олмаликнинг АГМК жамоаси Тошкентда "Бунёдкор" клуби меҳмони бўлди.

Қизгин лаҳзаларга бой бўлган ўйин олмаликликларнинг 1:0 ҳисобидаги галабаси билан якуланди. Ягона голни "кончилар" сафида грузиялик легионер Гиорги Папава киритди.

Шу тариқа, АГМК очколари сонини 35 тага етказиб, турнир жадвалининг 4-поғонасига кўтарилиб олди.

Тошкент вилояти жамоаси 26 октябрь куни навбатдаги турда ўз майдонида Самарқанднинг "Динамо" клубини қабул қилади.



Элдор жамоасини ўзгартирмоқда

Футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси ва Римнинг "Рома" клуби ҳужумчиси Элдор Шомуродов жамоасини ўзгартариши мумкин.

Хабарларга қараганда, Рим клуби захирасида қолиб кетаётган футболчимизга қатор жамоалар харидор бўлмоқда. Айниқса, Туриннинг "Торино" клуби киши трансфер ойнасидаги асосий нишони сифатида ҳамюртимизни кўрмоқда. Жамоа январь ойидаги трансфер ойнаси вақтида Шомуродовни харид қилмоқчи.

"Tuttosport" нашрининг маълум қилишича, Турин клуби аллақачон ўзбекистонлик ҳужумчининг вакиллари билан алоқага чиққан ва музокаралар ижобий кечган.

Элдорнинг ўзи ҳам жамоасини ўзгартаришга тайёр.



Баракалла, Баҳром!

Арманистоннинг Ереван шаҳридаги "Prime Hall" аренасида профессионал бокс кечаси бўлиб ўтди.

Шу кунни профессионал боксчимиз Баҳромжон Фозилов россиялик Дмитрий Михайленкога қарши рингда кўтарилди.

Тулиқ Баҳромнинг устунлигида ўтган жанг муддатидан аввал якуланди. Рақибга кетма-кет ҳужум қилган Фозилов учинчи раундда Михайленкони кучли нокаут ҳолатига туширди.

Шу тариқа, Баҳром Фозилов проф боксдаги 11-галабасини кўлга киритди.

Маълумот учун, аслида ҳамюртимиз ушбу бокс кечасида Жанубий Африка Республикаси вакили Нкулулеко Мхлонгога қарши рингда чиқиши керак эди. Бироқ, рақиб келмагани боис, у россиялик боксчи билан жанг қилди.

Суҳробжон САДИРОВ
Тошкент ҳақиқати/ тайёрлади



Нега шундай деймиз? "Чиққан қиз — чийдан ташқари"

Бу мақол дастлабки "Ўзбек халқ мақоллари" тўпламида учрамаган. Уни биринчи бўлиб этнограф Б. Кармишева ўтган асрнинг элгинчи йилларида Самарқанд вилоятидаги Номозгоҳ қишлоғидан ёзиб олганини маълум қилган.



Бу ҳақда "Ўзбек совет энциклопедияси" нашриётида 1990 йилда чоп этилган "Ҳикматнома" китобида қайд этилган.

Этнограф мақолга жуда қизиқиб қолган ва унинг қандай маъно ва ифода ташинини ўша ерлик кексалардан суриштирган ва қуйидагича изоҳ ёзиб қолдирган:

"Чий — ўтовга ташқари томондан қопланадиган қамиш тўсиқ. Қадимда, уй ва қорбоғлар атрофи ҳам мана шунақа чий қопламалар билан тўсилган. Мазкур мақолни "Турмушга чиқарилган қиз чийдан, (яъни, ўтовдан, ҳовли деворидан, демакки, оиланинг аъзолигидан) ташқарига чиққан, шунинг учун у ўз тақдирини ўзи ва борган оиласидagилар ҳал қилсин. Бўлар-бўлмагаси унинг турмушга аралашавериши керак эмас", деган маънода қўллайдилар..."

Бундан ташқари, "Қайта чопган ёв ёмон, қайтиб келган қиз ёмон", "Чиққан қиздан ота уйидаги супурги ҳам кўрқар", "Қулунли бия овулга сиймас" деган мақоллар ҳам борки, буларда турмушга чиққан қиз у ердagилар билан уришиб, жанжаллашиб, аразлашиб, ота уйига вақтинча келиб ўтирса ёки эридан ажрашиб, кўч-кўрони ва бола-чақаси билан бутунлай қайтиб келса — бундан нохуш воқеа бўлмайди.

Мақолнинг яна бир ёндош маъноси, "Чиққан қиз — чийдан ташқарида" ибораси билан аксарият оилаларда қайтиб келган қиз ҳамманинг кўзига ёмон кўринади, уни чиқиштирмайди, хуллас, ота уйига сиймайди, дейилмоқчи.

Муҳаммад АЪЛО
тайёрлади



Эътибор

Паркент туманида Марказий Осиё ёш ижодкорлари форуми ўтказилди.



Ёш ижодкорлар учун имконият

Ўзбек тили байрами муносабати билан "Паркент ижод уйи"да ташкил этилган ушбу форумда мамлакатимиз ва Марказий Осиё давлатлари ёш қаламкашларининг ижоди етук адабиётшунос олимлар ҳамда устоз шоирлар томонидан атрофлича таҳлил этилди.

Форумда, шунингдек, маҳорат дарслари, мушоиралар, "Олов сўзлар" ва "Биринчи китобим" лойиҳаси доирасида чоп этилган китоблар тақдими ва муҳокамаси ҳам бўлиб ўтди.

Анжуманда вилоят ҳокими Зойир Мирзаев сўзга чиқди.

Олтимшда эгилган бош

нима мажбур қилганини сўрадим.

— Менинг бошимни ичкилик ва зино еди, — дея ҳурсиниб ҳикоясини бошлади у. — Икки ўғлим мусофирда ишлаб, биримиз икки бўлди, эски уйни бузиб замонавий қилиб иморат солдик. "Ласетти" олдик, энди шу ўғилларимни уйлантириб, неварга суйиб юрадиган давримда, мен ношуд ота гуноҳга қўл урдим.



аёлни машинага миндирдим. Ўрта ёшлардаги аёлнинг ҳусни ўзига яраша, тили ҳам анчагина бийрон экан. Манзилга етгунча танишиб олдик.

Шанба сабоқлари

Машинадан түшар чоғи телефон рақамини сўраб олдим. Ана шундан кейин бошланди менинг айтишга ҳам тил бормайдиган юришларим.

Орадан уч-тўрт ойлар ўтиб, ўша аёл уйимга бостириб келиб, жанжал кўтарди, "Менга уйланасан", деб турди олди.

Аҳли аёлим, фарзандларим олдида юзим шувут бўлди. У шарт қўйди: — Ёки тўй қилиб уйланасан ёки машинани берасан, — деди.

Аёлим машина қалитини унинг юзига олди ва: "Уйимдан даф бўл", деди. Шу билан у кетди. Мен эса қишлоқда бош кўтариб юролмай, шу жойларга келиб қолдим, ука. Агар манманликка, фаҳш ва ичкиликка берилиб кетмаганимда бу кунлар бошимга тушмасди. Мана ўзим мусофирчиликда ишлаб юриб энди билалман, ўғилларимнинг не-не азобларда пул топганини. Дунёга ҳайқиргим келади, ука. Менинг ҳолим ҳаммага сабоқ бўлсин. Зино ва ичкиликдан йироқ юринлар.

Бахтиёр ТУРСУН

Бу ҳақда гапириш бегойида, лекин барибир шунчаки жим кузатиш мумкин эмас: дунёдаги нотинч вазият ва мамлакатга келувчилар оқимининг ортиси фонида пойтахтдаги уйлارнинг нархи, хусусан, ижара баҳоси икки-уч, ҳатто 4-5 бараварга ошиб кетди.

Ижтимоий тармоқлардаги эълонларга разм солсангиз, 2 хонали квартираларга ҳам 500-600, айримларига 800-1000 долларгача ижара баҳоси кўйилган. Ақлга сиймайди. Балки ўз юртидан кетиб, қанчадир муддат яшаш учун бизга келаётганлар бунга кўнара, чўнтаги кўтарар. Лекин кошки эди нархлардаги бу аёвсиз "сакраш" фақат уларга дахлдор бўлса.

Бир уйлаб кўринг, пойтахтда вилоятлардан келган, неча йиллардан бери уй олиш илнжида юрган, ўғли ё қизининг буйи етиб қолган бўлса ҳамки, ҳамон ижарада кун кечириётганлар қанча. Уларнинг "ҳозиян"и бозордаги вазиятдан таъсирланмайди, фикри ўзгармайди, дейсизми. Инсофчилари бўлса одамгарчилик қилар, аммо 700-800 доллар кўзининг ўнгидан ўтиб тургани 150-200 долларлик мижозига чиқиш эшигини кўрсатмаслигига кафолат йўқ.

Ташвишли сигнал

Билмадик, бугун қанча беабиб ҳамюртимиз ижара уйида безовта бўлиб ўтирибди экан. Эшик тиқ этса, квартира эгаси келди, энди чиқарворади, деб юраги гулпираб кетаётгандир. Ҳаловатини йўқотгани учун уруш чиқарганларга минг лаънатлар айтаётгандир... Янги уй топши, кўчиш машаққати, бечора аёли, буйи етган фарзандлари кўзига қараш азобидagi эрақларни

ИНСОФНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

Бир кўз олдингизга келтириб кўринг. Бор масъулият унда. Вазиятдан у олиб чиқиши керак. У эса чорасиз...

Тўғри, мулк шахсий, уй эгаси нима истаса, бу унинг хоҳиши, танлови. Лекин ижарага берувчилардан ўз ҳамюртлари учун инсофдан чиқмасликларини сўраган бўлардик. Ҳеч бўлмагаси яшаб турганларига фикрлари ўзгармасин. Пул топиладу. Лекин инсоф қилинганчалик барақа бўлмайди. Мана шундай пайтда аҳиллик, жигарлик, юртдошлик туйғуси олдинги ўринга қиқши керак.

Platforma.uz



Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentskaya pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Ummat MIRZAQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Ra'no TURDIBOYEVA

Sergey MUTIN

Zarifa ERALIYEVA

Azamat KAMOLOV

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:

(71) 233-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(71) 233-70-10

Mas'ul kotib:

(71) 233-90-82

Bo'lim muharrirlari:

(71) 233-38-23, (71) 233-48-08

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(71) 233-54-10

e-mail: toshkentaqiqati@umail.uz

Navbatchi muharrir:

Kumush EGAMBERDIYEVA

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Javlon HALILOV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.

Bosishga topshirildi - 21.20

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-1035.

3 918 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taбоқ. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Manzillimiz:

11500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi ofsimiz: 100000,

Matbuotchilar ko'chasi, 32.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.

Korxonasi manzili: Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.